
БУ ЙИЛ БЕШАРИҚ ТУМАНИДА 205 ТА ФЕРМЕР ХЎЖАЛИКЛАРИ ТОМОНИДАН 7 МИНГ 600 ГЕКТАР МАЙДОНДА ПАХТА ЕТИШТИРИЛДИ

Бу йил Бешариқ туманида 205 та фермер хўжаликлари томонидан 7 минг 600 гектар майдонда пахта етиштирилиб, айна кунларда ушбу майдонлардаги ҳосиллар уюшқоқлик билан териб олинмоқда.

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров тумандаги фермер хўжаликлари дала майдонларида бўлиб, мавсум давомида етиштирилган ҳосилни нес-нобуд қилмасдан сифатли териб олишга асосий эътиборни қаратиш бўйича масъулларга топшириқлар берди.

“Иброҳимжон Латифжон замини” фермер хўжалигида 49 гектар майдондаги ҳосилни териш ишлари давом этмоқда. Вилоят раҳбари томонидан пахтадан ҳосилдорликни ошириш, янги ёндашувларни жорий этиш бўйича кўрсатмалар берилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-10-15 09:18:21